

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

# **ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Малака ошириш тармоқ марказы  
директори  
Доц. Баймаков С.Р.**

“ ” 2015 йил

# **“Тиббий биологик фанларни ўқитиш методикаси”**

## **МОДУЛИ БУЙИЧА**

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ТУЗУВЧИ:** **ДОЦ. О.Т.АЛЯВИЯ**

ТОШКЕНТ – 2015

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>3</b>
<b>КАЛЕНДАР РЕЖА .....</b>	<b>11</b>
<b>МАЪРУЗА МАТНИ .....</b>	<b>21</b>
1-Мавзу. Тиббий биологик фанларда маърузалар ўқиш технологиялари ва лекторнинг педагогик маҳорати. ....	21
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....</b>	<b>32</b>
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>36</b>
<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>38</b>

## **ИШЧИ ДАСТУР**

**Мақсади:** профессионал, пухта билимли, ижтимоий фаол, ижодий педагог шаҳсини шакллантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларини яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш асосида педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини келажакдаги ривожланишидир. Тиббий олийгохларнинг ўқув жараёнига илмий услубий асосларини жорий қилиш, ўқиш таълимидан ҳамма даражаларини – жорий машғулот, оралиқ ва якуний назоратларда прогрессив педагогик технологияларни киритиш.

### **Вазифалари:**

- педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиши жараёнигини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган педагогик маҳоратни муаммоларни аниқлаштириш;
- педагогик маҳоратни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик касбий билим ва кўнимкамларини Давлат талаблари асосида чукурлаштириш, янгилаш ва замон талабларига мослаштириш;
- узлуксиз таълим тизими, давлат ва ижтимоий буюртмалар, ўқитиши принциплари ва қонуниятлари, ўқитиши жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги, олий ўқув юрти ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар. Ижтимоий педагогика, педагогик психология, таълим психологияси, педагогик маҳорат, қобилиятини амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Тиббий биологик фанларни ўқитиши методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- педагогик фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари; замонавий педагогик

атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда илгор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;

- замонавий педагогик муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш қўнималарига эга бўлиши зарур;
- педагогик маҳорат муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.
- педагогик маҳорат асосларини билиши керак.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Тиббий биологик фанларнинг дидактик таъминоти”, “Тиббий биологик фанларни ўқитишида инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий	Манифујот	Кўйма

1.	Тиббий биологик фанларда маърузалар ўқиши технологиялари ва лекторнинг педагогик маҳорати.	2	2	2			
2.	Гурухда ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш ўйинлари, дискуссиялар, презентацилар).	4	4		4		
	<b>Жами:</b>	6	6	2	4		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Тиббий биологик фанларда маърузалар ўқиши технологиялари ва лекторнинг педагогик маҳорати (2соат)**

**РЕЖА:**

1. Педагоглар типлари
2. Маъruzанинг асосий функциялари
3. Маъруза шакллари
4. Маъруза тайёрлаш этаплари, дидактик принциплари

Инсонпарвар бўлиш маҳоратли педагог фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади ва унинг аниқ вазифаларини ҳам белгилаб беради. Профессионал билимлар негизида педагог ҳатти-ҳаракати ва хулқининг асосини ташкил этувчи педагогик принциплар ва қоидалар вужудга келади. Бу принцип ва қоидаларни ҳар бир педагог ўз тажрибасига таянган ҳолда яратади, лекин уларнинг қонуниятларини илмий билим ёрдамида аниқлайди. Бу билимлар доимо такомиллашиб бориши зарур.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Гурухда ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш ўйинлари, дискуссиялар, презентацилар) (4 соат)**

**Режа:**

1. Вазият масасалар билан таништириш, уларни тиббий биологик фанларни ўқитишдаги ахамияти, клиник фикрлашни шакллантириш.
2. Иш ўйинларни технологияларни тадбик этиш, дискуссиялар ўтказиш методикаси.

### **3. Презентациялар ўтказиш методикаси. Хар бир машғулотда уларни расмийлаштириш усуллари.**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишининг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуллар таркибларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- ўз-ўзини касбий ривожлантириш;
- дарслик ва электрон ўқув-ресурслари, тарқатма материаллардан мустақил фойдаланиш;
- тингловчининг ўзи ўқитаётган фани бўйича электрон дидактик манбаларни яратиш;
- шахсий сайтини яратиш.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. - Т: 2000. № 69-II.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”. ЎзР Олий Мажлисининг 29.08.96 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилган.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Адолат, 2004. № 3
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1761-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори)” 243-сонли қарори.
9. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012
10. Азизходжаева Н.Н Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
11. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
12. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Деловые игры в учебном процессе кафедры норм.физиологии. Ташкент, 2003. - 36 с.
13. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело»//ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.
14. Атаканов Ш.Э. Требование к составлению рабочей учебной программы (бакалавриат). Метод.указания. Ташкент, 2003.- 31 с.
15. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с

- 16.Габруевич С.А., Зорин Г.А. От деловой игры — к профессиональному творчеству: Учеб.-метод, пособие.— Минск.: Университетское изд., 1989.— 125 с.
- 17.Гадаев А.Г., Будкова Е.А. Объективно-структурный метод оценки клинических знаний студентов. Метод.рекомендации. Ташкент, 2001.- 21 с.
- 18.Гинзбург Я.С., Коряк Н.М. Социально-психологическое сопровождение деловых игр // Игровое моделирование: Методология и практика.- Новосибирск: Наука, 1987.- С. 61-77.
- 19.Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
- 20.Даминов Т.О., Гадаев А.Г. Современные методы обучения и контроля знаний в подготовке ВОП. Методическое пособие. Ташкент, 2002. - 49 с.
- 21.Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.
- 22.Жук А.И., Кашель Н.Н. Деятельностный подход в повышении квалификации: активные методы обучения.— Минск.: Институт повышения квалификации и переподготовки руководящих работников и специалистов образования, 1994.— 96 с.
- 23.Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников, методы и технологии их создания// Материалы респ. науч.- конф. – Ташкент,2004.- С.62-63.
- 24.Каримов Х.Я. Новые педагогические технологии в подготовке ВОП. Метод.рекомендации, Ташкент, 2001.,- .39с.
- 25.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе, М., Знание, 1989. - 75 с.
- 26.Комаров В.Ф. Управленческие имитационные игры.— Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1989.— 272 с.
- 27.Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения в системе повышение квалификации: зарубежный опыт. Университетское управление: практика и анализ. М, 2004; 4 (32). – с. 78-83.
- 28.Красовский Ю.Д. Мир деловой игры:— М.: Экономика, 1989.— 175 с.
- 29.Муминов Т.А., Даuletбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.
- 30.Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции?,// Педагогика, 1997, №3.,- С.20-26.
- 31.Платов В.Я. Деловые игры: разработка, организация и проведение: Учебник.— М.: Профиздат, 1991.-156 с.
- 32.Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования., М., 2000. – 28 с.
- 33.Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине Учебно-методическое пособие под редакцией проф. Тешаева О.Р. Ташкент.: ТМА, 2010. – 139 с.

- 34.Психология. Словарь / Под общ. ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Политиздат, 1990.— 494 с.
- 35.Смит Я., Фарберман Б. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов - Ташкент,1999. - 150 с.
- 36.Смолкин А.М. Методы активного обучения: Науч.-метод, пособие.— М.: Высш. Школа, 1991.—176 с.
- 37.Современные технологии обучения. Итоги и перспективы. /Материалы практ. учебно-метод.конф. I ТашГосМИ и РГМУ, 7-9.01.03г., Ташкент, 2003.- 103с.
- 38.Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Матер.теоретич.семинара, 8-9 апреля 1999г. Ташкент, 1999. - С.82.
- 39.Фарберман Б.Л. Основы критического мышления: Ташкент, 2002, 33 с.
- 40.Халматова Б.Т., Информационные технологии и другие новации в организации учебного процесса в медицинском вузе. Ташкент, 2008. – С. 209-210.
- 41.Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Д.П.Хашимова. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. Издание 2-е, дополненное и исправленное. Ташкент, ТГЭУ, 2010. - 115 с.
- 42.Хруцкий Е.А. Организация проведения деловых игр: Учеб. пособие для преподавателей средних спец. учеб. заведений.- М.: Высш. шк., 1991.- 320 с.
- 43.Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология», Т., 2011, 47 с.
- 44.O.T. Alaviya, V.I. Yakovenko, M.U. Shayusupova Modern educational Technology in education for the discipline Normal physiology. Educational-methodical, Handbook, 2013 Т., 47 р.р.

### **Интернет сайтлари**

Сайты Интернет по физиологии:<http://www.normphys.chat.ru/metodich.html>; [http://www.physiology.ru/price\\_list.html](http://www.physiology.ru/price_list.html); [http://www.physiology.ru/hb\\_main.html](http://www.physiology.ru/hb_main.html); [http://www.physiology.ru/hb\\_electron.html](http://www.physiology.ru/hb_electron.html).

### **Календар режа**

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот тури</b>	<b>Соати</b>	<b>Ўтказилиш муддати</b>
1.	Тиббий биологик фанларда маърузалар ўқиши технологиялари ва лекторнинг педагогик махорати.	маъруза	2	ойнинг биринчи ҳафтаси
2.	Гурӯхда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш усуслари (вазият масалалар, иш ўйинлари,	амалий	2	ойнинг иккинчи ҳафтаси

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-Мавзу: Тиббий биологик фанларда маърузалар ўқиши технологиялари ва лекторнинг педагогик маҳорати.

Режа:

1. Педагоглар типлари
2. Маърузанинг асосий функциялари
3. Маъруза шакллари
4. Маъруза тайёрлаш этаплари, дидактик принциплари

**Таянч иборалар:** *касбий маҳорат, педагог, педагогик тизим, психология—педагогика, педагогик маҳорат асослари, актив коммуникация тамоилили*

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун аввало таълим ва тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қиласи. Бу билан ўқувчиларда муайян билим, қўникма, малакалар ва хулқни шакллантиради.

Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, ҳарактери, ўқувчилар билан муомиласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лекин, одатда бўларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Лекин, тажрибали педагог унинг ҳатти-ҳаракати ўқувчиларга қандай таъсири кўрсататганлигига аҳамият бериб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Бундай Ўқитувчи ларнинг илҳомбахш муаммоларидан ўқувчиларда ўқишига интилиш ўзларида янада яхшироқ ўқишини уddyalай олишига ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳолда таълим ва тарбия методлари педагог шахсида мужассамланган сифатларни амалга ошириш ва ундан ўқувчига ахлоқий фазилатларни ўтказиш воситасига айланади. Шунинг учун ҳам, педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларининг мажмуи сифатида қараб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини эътироф этиш лозим.

Демак, педагогик маҳорат тушунчаси бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топар экан. Бундай ҳолда педагогик маҳоратни «педагогик тизим» сифатида тасаввур қилинади ва у қуйидагича таърифланади: «Педагогик маҳорат шахс сифатлари мажмуи ва ўқитувчи томонидан профессионал-педагогик фаолиятни мустақил равишда юқори савияда ташкил этишни таъминлаш бўлиб, у педагогни ўз фаолияти моҳирлигининг энг юқори чўққисига эришганлигини билдиради». Бундан кўриниб турибдики, педагогик маҳорат-бу педагогик фаолиятнинг барча турларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс

камолоти ва ҳар томнлама ривожлантириш мақсадлариға йўналтириш, ўқувчиларда дунёқарашибобилиятни шакллантириш ва уларда ижтимиоий зарур меҳнатга мойиллик уйғотишидир.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсадга баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги; мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика ва психологиядан професионал билимларга эга бўлиши; педагогик қобилиятга эга бўлиши (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш («юзидан уқиб олиш»)); педагогик техникани эгаллаши, яъни ўз-ўзини бошқара олиши, ўзаро таъсир этиши ва ҳамкорликда ишлашни улдалаши. Педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, айрим масалаларни ўзини ўқувчи ўрнида сезиб ҳал этиши, адолатли бўлиши, педагогик фаолиятни пировард мақсадга баркамол авлод тарбиялашга йўналтиришда ифодаланади. Ўз даврида Ибн Сино ҳам ўқитувчи шахсида ҳалоллик, адолат, поклик, меҳнатсеварлик, фидоийлик, одамгарчилик каби хислатларни қадрлаган.

Инсонпарвар бўлиш маҳоратли педагог фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади ва унинг аниқ вазифаларини ҳам белгилаб беради.

Професионал билимлар педагогик маҳоратнинг туб асосини ташкил қиласди. Педагог билими, бир томондан у дарс бераётган фан тўғрисидаги билимига, иккинчи томондан эса, уни ўзлаштираётган ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўзи дарс бераётган фанни, уни ўқитиш методикаси, педагогика ва психология фанларидан пухта билимга эга бўлиши, педагог професионал билимлари мазмунини ташкил этади. Професионал-педагогик билимларни ўзига хослиги, уларни комплекс ҳарактерга эга бўлиши ва ҳар бир ўқувчидаги шахсий «оҳанг» касб этишидир.

Професионал билимлар негизида педагог ҳатти-ҳаракати ва хулқининг асосини ташкил этувчи педагогик принциплар ва қоидалар вужудга келади. Бу принцип ва қоидаларни ҳар бир педагог ўз тажрибасига таянган ҳолда яратади, Лекин уларнинг қонуниятларини илмий билим ёрдамида аниқлайди. Бу билимлар доимо такомиллашиб бориши зарур.

Ўқитувчилик касбини ўргатиш мумкин эмас, аммо уни ўрганиш мумкин. Педагогик маҳоратни шакллантириш ўқитувчи ларни тайёрлашда марказий ўрин эгалайди. Шунинг учун психология—педагогика предметлари олий мактабда ўқитувчиларни тайёрлашнинг диққат марказида бўлади. "Педагогик маҳорат асослари" курсини ўрганишда қуйидаги принципларга асосланилса, бу фаолият муваффақиятли амалга ошади.

Ўқитиша умумий ёндашув тамойили - бу тамойил шундан иборатки, билим бошдан кечирилган амалий тажриба асосида эгалланади. Машғулотлар шундай тузиладики, мавзунинг назарий холати мунозарада англанилади, кейин педагогик қобилиятни ўстирувчи машқлар йўналади,

охирида, муоммонинг муҳимлиги педагогик тренингларда англа бешиктирилади.

Актив коммуникация тамойили - бу билимлар системасини қайта ишлашни ўз ичига олади ва талабаларни активлаштиришга қаратилган бўлади: ролли ўйинларни ўтказиш, мусобақа, фаолият демонстрация қилинган фрагментнинг муҳокамасидан, талабаларни дарсни ташкил қилишга жалб этишдан иборатdir.

Педагогик фаолиятни қисмларга бўлиб ўрганиш тамойили - психофизиологик ва педагогик тренинглар орқали аста-секинлик билан алоҳидаги усулларни эгаллаш. Ҳар бир талаба ўкув йили давомида қандай тушунча, малакани эгаллаши зарурлигини билиши лозим. Дастреб, биринчи курс талабаси ўзининг, ташқи кўриниши, нутқ, педагогик муомала маданияти ташкилотчилик техникасини бошқариши лозим.

Педагогик техника ва вазифаларни ривожлантиришда малика ва кичик дарс беришдан ижодий фойдаланаш.

Йўналиш бўйича ёндашув, машғулотларда мутахасисликни хисобга олиш, педагогик маҳоратни шакллантириш.

Билим ва малаканинг ўзаро боғлиқлик тамойили—бунда институтнинг лаборатория дарсларини, мактабларда педагогик амалиётни ташкил этиш киради.

Педагогик маҳорат институт хаётини педагоглаштирилганда муваффақиятли кечади. Айниқса талабалар билан тугаракларда, клубларда, студияларда ишлаш фойдалидир. Фақат олий мактабнинг ҳамма педагогик жамоаси ва талабаларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти келгусидаги педагогда юқори педагогик маҳоратни ривожлантишга қаратилган бўлиши лозим.

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўкув саёҳати, ўқувчи-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланашга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида қайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти каттадир. Тажрибанинг кўрсатишича, маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишда кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Сўнгра билимларни эгаллаш ғояни исботлаш, оқилона ҳаракат усулларини танлаш принципларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнгина мавзууни моҳиятини очиб берилади.

Ўз ишига ижодий ёндошадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Ўқувчиларга янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Илгор ўқитувчилар тажрибаларида таъкидланганидек, семинар дарсда энг қолоқ ўқувчи ҳам бошқа турдаги дарсда уddyalай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажаарар экан. Машғулотлар одатдагидан ташқари ноанъанавий усулларда олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки сұхбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўкув материали аниқ ва ишонарли

қилиб баён этилади.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасида мунозара дарслар ҳам мухим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўқитувчиларни таъкидлашларича, мунозара дарсларни ўтиш жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда энг аввало ўқувчилар фикрларини тақослаш ва уларнинг фикрларидағи қарама-қаршиликларни аниқлаш мухимдир. Лекин дарснинг бу турини ҳар доим қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас, иккинчидан мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчи дан жуда кўп вақт талаб қиласди.

Дарснинг сифати.

Кўзланган вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш натижасида ўқувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларини эгаллаш даражаси аниқланади. Агар эришилган натижа ўқувчининг энг юқори имкониятлари даражасида бўлса, кўзланган мақсадга эришилганлик самараси ва сифати энг мақбул деб хисобланади.

Дарснинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ўқитувчи учун моҳирлик устахонаси, машғулотни ташкил этишининг энг самарали шакл ва методларидан онгли равишда фойдаланашиб шарти бўлиб хисобланади. У дарсда нималарга эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликни сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қиласди.

Педагог тушунчасини оддий ўқитувчи тушунчасидан фарқли хусусиятларидан бири ўқув жараёнида аудиториядан ташқарида расман бўлмаган вазиятда тўғри билимдан алоқа қилиш.

Педагогик сухбатнинг услублари жуда индивидуал. В.А Кан-Калик хулқ атворга ўзини тутишга асосланиб энг кўп учратадиган бир неча тип педагогларни ажратган.

### **Педагоглар типлари:**

*Сократ*- дискуссияларни яхши кўради, ўқитишга системасиз ёндошади. Унга умумий розиликка эришиш, ўқитиш натижасидан мухимроқ.

*Мастер*- тақлид қиласидан намуна ўқитувчиси. Талабаларнинг ўқишида, хаётида консультант.

*Генерал*- бошқарувчи, ҳар хил воситалар орқали итоат қилишга эргашади, доимо ўзини хақ деб хисоблади. Ўзини кўрсатмаларини бажаришга жуда талабчан.

*Менеджер*-талабаларга индивидуал ёндошадиган, мустақилликни, ташабуссчиликни рағбатлантирувчи.

*Тренер*- гурух тиришишларини илхомлантирувчи, унинг учун гурух ютуқлари энг асосий.

*Монблан*- такаббур, эришиб бўлмайдиган ўқитувчи, кўпинча бунинг орқасида етарли маълумотга эга бўлмаганини бекитади.

*Гид-қизиқарли* сухбатдош, энцеклапедик билимларини намойиш қиласди. У аник, ихчам ҳамма саволларга жавоби бор.

*Хитой девори*- авторитар, талабалардан тўсилган, унга мурожаат қилиб

бўлмайди.

*Локатор*- талабаларни танлаб мурожаат қиласи, бир- уч танланган талабаси билан ишлайди, бошқа талабалар муаммоларига эътибор бермайди.

*Карқўр* – оратор, фақат ўзини эшитади, ўзига савол бериб, ўзи жавоб беради. “мен ўзим” ўзи учун ўқув жараёнини ташкиллаштирувчи ва оратор, бу жараёнда ўзининг ўрнидан мамнун бўлади.

Маъруза қадимги Греция Римда пайдо бўлган. Биринчи Университетлар пайдо бўлгани лекция талабаларга, тингловчиларга билим берадигон асосий шакл бўлган, буларга қўшимча қилиб, диснутлар ташкиллаштирилган, хамма амалий дарслар бўлмаган.

“*Lectio*” лотинча – “ўқиш” маъносини билдиради.

Маъруза ёрдамида педагогни бажарадиган вазифалари:

Маъруза талабаларда ўрганиладиган фани хақида тасаввурни шакллантириши керак, умумтибиёт муаммоларини ечишда ва умумий шифокорлар тайёрлашда унинг ўрнини билиши керак. Талабаларда ўрганиладаган фанга қизиқиши шакллантириш ва мустахкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимида қўлланиладиган илмий усулларни қўллаб конкрет масалаларни ечиш.

Маъруза бу янги илмий ва керакли ўқув информаяларни беришнинг ягона усули. Маъруза талабаларда профессионал ва илмий фикрлашни шакллантиради. Маъруза биринчи навбатда талабада клиник фикрлашни шакллантиришда ва шифокорни шахсий хусусиятларини тарбиялашга ёрдам беради. Лекторнинг хулқи мисолида, бир қатор деонтологик нормаларни ва характеристикаларнинг ибратини талабаларда одатлантиради.

### **Маърузанинг асосий функциялари:**

*Ташкиллаштирувчи функция* - мавзуни ўрганишни ташкил қилишни, тартибини билиш орқали бошқаришни амалга оширишга имкон яратади.

*Ориентация функция* - хар хил юрт ва чет эл илмий мактаблар ва назарияларни асосий манбаларини ўрганишdir.

*Методологик функция*- текшириш усулларини ўрганиб, илмий изланишларга ёндошиш орқали талабалар фикрларини бошқаради.

*Бошқарувчи функция*- билим жараёнини педагогик бошқариш.

*Ривожлантирувчи функция*- талабани интеллектуал шахсий шаклланишига имкон беради.

*Тарбияловчи функция*- берилган илмий маълумотларга ички мативацияни, фанга эмоционал баҳолаш ёндошишни шакллантиради.

**Муаммоли ўқитиши:** шартда қарама-қаршилик сақламоқ стандарт ечими йўқлик. Ечиш жараёнида янги билимларга эга бўлиш. Айрим текширишлар бўйича дарров маъruzадан кейин ўқув материалининг 65-70%, 3-4 кундан кейин- 45%, 7-8 кундан кейин- 34%, 2 хафтадан кейин- 30% тикланади.

### **Маърузани тайёрлаш 3 этапдан иборат:**

1. Ўқитувчини маърузага тайёрлаш
2. Маъруза ўтказишни структуралаш ва уни бажариш
3. Маърузани анализ қилиш

## **Маъруза шакллари**

**Кириш маърузаси.**

Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан танишириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан танишириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, хисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш.

**Маъруза ахборот.**

Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.

**Шарҳловчи маъруза.**

Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар вабутун курс ёки бўйлимларининг концептуал асосини ташкил этади.

Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.

**Муаммоли маъруза.**

Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилигиорқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргалиқдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.

**Визуал маъруза.**

Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган.

Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.

**Бинар (икки кишилик) маъруза.**

Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-tinglovчининг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиши.

**Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза.**

Хатоларни излашга мўлжалланган мазмунни ва услубиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиши, берилган маълумотни доимий назорат қилиш.

**Маъруза конференция.**

Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут) даниборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишига қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустакил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга якун ясад, тўлдириб, аниқлаштириб холоса қиласи. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиши.

**Маслаҳат маъруза.**

Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

### ***Маърузага тайёрланишида:***

Маъруза мақсадини аниқлаш (мустақил тайёрланишни, амалий машғулотларни, синов ёки имтихонни эътиборга олиб). Қўйилган савол бўйича илмий ва ўқув маълумотлар билан танишиш.

Маърузани мақсадига мувофиқ материалларни танлаш, мазмuni замонавий холатга мос келиши керак. Графологик структура ёрдамида маърузани системалаш, бу маъруза мақсадига мувофиқ материални оптимал кетма-кетлигини баён этишни таъминлайди. Талабаларда клиник фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан маърузанинг маъносини баҳолаш. Маърузани тайёрлаш уни тўла матнини ёзиш ёки батафсил режа конспектини тузиш билан тугайди.

### ***Маърузани тайёрлашда қўйидаги дидактик принципларга, яъни:***

-маъруза материалини мунтазамлилигига илмийлигига ва тушунарлилигига;

-маърузада билимларни ўзлаштиришни мустахкамлилигига, тушунарлилигига;

-маъруза структурасини аниқлилигига, ўқув материалининг мазмунини услубий ишлаб чиқилишига;

-маъруза материалини аниқлилигига;

-тингловчилар фикрлашининг активланишига, тескари алоқани мавжудлигига;

-баён этиш шаклини эмоционаллигига;

-материални тушунарли, равshan тилда баён этилишига таяниш керак.

### ***Маърузада тескари алоқанинг шакллари:***

1. Аудиторияга тўғридан тўғри савол бериш.

2. Биргаликда овоз чиқариб мулоҳаза қилиш.

3. Маъруза охирида битта, иккита назорат саволларига катта хажмда бўлмаган ёзма жавоб бериш.

4. Янги назарий холатларга ёзма жавоб бериш.

5. Аудитория диққатини жалб этиш усуслари:

6. Янгиликни ишлатиш

7. Манфаатни ўзаро боғланишни қўллаш.

8. Персонафиксацияни қўллаш.

9. Муаммоли вазиятни қўллаш.

10. Шерикликни қўллаш.

11. Лекторнинг юмори.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Тиббий биологик фанлардаги маърузаларни асосий функциялари?

2. Тиббий биологик фанлардаги муаммоли маъруза нима?

3. Педагогик маҳорат нима?
4. Қандай маъруза турларини биласиз?
- 5 Маърузачилар турлари?
6. Маърузани тайёрлашда қандай босқичларни биласиз?
7. Маърузани тайёрлашда қўлланадиган дидактик принциплар?
8. Маърузада қандай тескари алоқанинг шаклларини биласиз?
9. Визуал маърузанинг педагогик вазифаси нимадан иборат?
10. Бинар маърузанинг педагогик вазифаси нимадан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с
3. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
4. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.

### **ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Дарс жараёнида янги билимларни беришда асосий ўрини нима?  
A) Лаборатория;  
B) Янги мавзу баёни;  
C) Мустақил иш;  
D) Такрорлаш;  
E) Амалий иш.
2. Ўқув материалини танлашда қайси принципга риоя қилинади?  
A) Осондан бошлиш лозим;  
B) Талабаларга фақат осон мавзуларни ўтиш керак;  
C) Ўқув материалини соддадан-мураккабга томон ривожлантириб бориши;  
D) Ўқув материалининг мукаммаллигини таъминлаш;  
E) Қийинидан бошлиш лозим.
3. Ўқитиши жараёнида назоратнинг ривожлантирувчи функциясини топинг:  
A) Талабаларда барқарор диққатни вужудга келтириш;

- B) Хотирани мустаҳкамлаш;
- C) Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш;
- D) Ҳамма жавоблар тўғри;
- E) Ўз-ўзини назорат қилиш.

4. Ўқитиш методларини танлаш нималарга боғлиқ?

- A) Машғулот тури ва типига;

- B) Машғулот мавзусига;

С) Ўқув материалларининг мантиқий йўналиши, мазмуни ва мустақил иш характеристига;

- D) Ўқитувчи билимига;
- E) Ўқувчи билимига.

5. Кўникма нима?

A) Шахснинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;

- B) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажаришга тайёргарлик;

C) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;

D) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган кишининг англанган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;

- E) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажарилишини қўзатиш.

6. Малака нима?

A) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;

B) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган ишининг англанган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;

C) Шахснинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;

- D) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган билимларири;

- E) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган назарий билимларири.

7. Педагогик жараённинг вазифаси нималардан иборат?

- A) Билим, кўникма, малака ҳосил қилиш;

- B) Ўқув фанларни мазмунини ўзлаштириб олиш;

- C) Билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш;

- D) Билиш фаолиятини ривожлантириш;

- E) ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш.

8. Ўқув қўлланмасининг дарсликдан фарқ қилувчи жиҳатини топинг:

- A) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан кенгроқ ёритади;

- B) Улар ўртасида фарқ бўлмайди;

- C) Дарсликнинг дастлабки нусхаси;

- D) Ўқув қўлланма маъruzalар матнидан иборат;

E) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан камроқ ёритади.

9. Олий таълим учун тайёрланадиган маъruzалар тўпламига қўйиладиган талабларни топинг:

- A) Чукур илмий услубий, юқори сифат ва микдор кўрсаткичда бўлиши;
- B) Компьютер технологиясига асосланган ўқув-услубий қўлланма, топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
- C) Илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган;
- D) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
- E) Мустақил таълим олишга, фанга доир ўқув материали.

10. Дарснинг технологик харитаси нима учун хизмат қиласи?

- A) Ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда унга тақсимланган вақт меъенини ҳар бир босқич бўйича тўғри белгилаш;
- B) Машғулотни меъёрида ташкил этиш;
- C) Талabalар фаолиятини фаоллаштириш;
- D) Вақт меъенини белгилаш, билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур ҳажмни шакллантириш;
- E) Билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун.

11. “Педагогик маҳорат” тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?

- A) Муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлган мутахассиснинг қасбий педагогик тайёргарлиги даражаси;
- B) Ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигига муаммоли вазият юзага келтирилади;
- C) Педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари таҳлили;
- D) Ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан ҳоли эркин равишда узатишига эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш усули;
- E) Ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигига мустақил иш бажарилади.

12. Машғулотнинг анъанавий методларини кўрсатинг?

- A) Оғзаки кўргазмали, ўз-ўзини назорат қилиш методлари;
- B) Кўргазмали, мантиқий, оммавий методлари;
- C) Оғзаки кўргазмали, оммавий, мантиқий, мустақил ишлаш, назорат методлари;
- D) Мантиқий, ўз-ўзини назорат қилиш методлари, мустақил таълим олиш;
- E) Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

13. Давлат таълим стандарти талаблари асосида фаолият юритиш қандай таълим муассасалари учун мажбурийдир?

- A) Давлат таълим муассасалари учун;
- B) Нодавлат таълим муассасалари учун;
- C) Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим муассасалари учун;
- D) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасалари учун;
- E) Ўзбекистон Республикасидаги ўрта маҳсус таълим муассасалари учун.

14. Берилган жавоблардан авторитар шаклга тегишли жавобни аниқланг:

- A) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади, аммо талабчанликни сусайтиради;
- B) Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди синфни ўқитувчи эмас, ўқувчилар ўз истаганларича бошқарадилар;
- C) Ўқитувчи ўқувчиларни қаттиққўллик билан уларга мустақиллик бермасдан бошқаради;
- D) Мавқеига кўра ўзаро ҳамкорликка, муросасозликка, барчанинг тенг кучли бошқарувига асосланган;
- E) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади.

15. Мулоқот нима?

- A) Шахснинг мухим эҳтиёжи;
- B) Киши турмуш тарзининг фаолиятидан кам бўлмаган бир томони;
- C) Кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш шакли;
- D) Икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ахборот алмашишдаги ўзаро таъсиридир;
- E) Эҳтиёжни қондиришга кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабати;

16. Адаптация нима?

- A) Сезги аъзоларининг қўзғовчиларга мослашишидир;
- B) Қўзғовчи таъсири остида сезгиларнинг ўзгариши;
- C) Кучли қўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг заифлашиши;
- D) Янги шароитларга кўникишни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар;
- E) Кучли қўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг ошиши.

17. Ўқув машғулоти жараёнида ўқитувчининг суҳбати таълимнинг қайси методига киритилади?

- A) Амалий;
- B) Оғзаки;
- C) Кўргазмали;
- D) Машқ қилиш;
- E) Назарий.

18. Тарбиячи позициясига нималар киради?

- A) Буйруқли, ҳамкорлик, бепарволик;
- B) Ташкилотчи, буйруқли;
- C) Муомалар, ижодкорлик;
- D) Жамоанинг шахсга таъсирини таъминлай билиш;
- E) Бепарволик.

19. Маъруза, мустақил ишлар, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, идрок этиш, кузатиш методлари ўқитиш ва ўрганиш методлари гуруҳининг қайси бирига таалкуқли?

- A) Малака ва кўникмаларни хосил қилиш, методлари гуруҳи;
- B) Билим бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш, эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар гуруҳи;
- C) Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни хосил қилиш методлари гуруҳи;
- D) Эътиқодларни шакллантириш, касбий тайёргарликни аниқлаш методлари гуруҳи;
- E) Билимларни татбиқ қилиш методлари гуруҳи.

20. Сюжетли-ролли ўйинларнинг ўзига хос хусусияти.

- A) Муаммоли вазиятларни ҳал этишга мўлжалланган;
- B) Табиат ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни бадиий усулда ёритиш;
- C) Касбий сифатларни таркиб топтириш, илмий дунёқарашни кенгайтириш;
- D) Илмий, илмий-оммабоп адабиётлар устида мустақил ишлаш;
- E) Хаётга тайёрлаш, онгли равишда касбга йўллаш.

21. Намунавий ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар:

- A) Фан, техника, технологияларнинг сўнги ютуқларини акс эттириши;
- B) Таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва изчилликни амалга ошириш;
- C) Оддийдан мураккабга ўтиш;
- D) Барча жавоблар тўғри;
- E) Хусусийдан умумийга ўтиш.

22. Рейтинг тизимининг вазифалари.

- A) Талаба билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш самарадорлигини аниқлаш;
- B) Талабани рағбатлантириш ёки жазолаш учун асос яратиш;
- C) Давлат таълим стандартларининг сифатини аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини аниқлаш;
- D) Барча жавоблар тўғри;
- E) Баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш, талаба билимини мунтазам назорат қилиш.

23. Муаммоли дарснинг тузилиши элементлари – бу...

- A) Талабалар эгаллаган билимларини фаоллаштириши, янги билимларни ўзлаштириши, кўникма ва малакаларни шакллантириши;
- B) Эгаллатган билимларни такрорлаш, янги маълумотни ўзлаштириш;
- C) Кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- D) Ўтилган мавзууни такрорлаш, янги мавзууни тушунтириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- E) Эгалланган билимларни назорат қилиш ва баҳолаш.

24. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари?

- A) Талаб; рағбатлантириш ва жазолаш; жамоатчилик фикри;
- B) Диққат; хотира; фикрлашни ва билиш қобилиятларини ривожлантириш;
- C) Ўқувчининг муайян хислатлари; характер хусусиятларини билиш; ишонтириш;
- D) Техник фикрлаш; мимика ва пантомимика;
- E) Рағбатлантириш ва жазолаш.

25. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари.

- A) Турли ролларда бўлиш фаолияти, фикр алмашиши, бирга қайфуриш, хаёл суриш;
- B) Доимо ўзгармайдиган ижобий муносабат, барқарор бўлмаган, барқарор салбий муносабат;
- C) Ўқитувчининг ўз нутқини бошқара олиш қобилияти билан боғлиқ кўнилмалар, саводли ва ифодали гапириши, билими ва фикрини тушунарли етказа олиши;
- D) Ҳамфикрлик, келишувчанлик, ташаббусни маъқуллаш;
- E) Билими ва фикрини тушунарли етказа олиши.

26. Педагогик жараённинг обьекти?

- A) Педагогик колектив, ўқитувчи, ОЎМ маъмурияти;
- B) Ўқитувчилар, тарбиячилар, ота- оналар;
- C) Талабалар гурӯҳи ва алоҳида талаба;
- D) Оила, ОЎМ, жамоатчилик;
- E) ОЎМ маъмурияти.

27. Шароитга тез мослашиб, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез кўча оладиган темперамент типи қайси қаторда тўғри берилган?

- A) Флегматик;
- B) Холерик;
- C) Меланхолик;
- D) Сангиник;
- E) Бадий.

28. Нерв тизимининг кучсиз, мувозанатсиз, суст типи қайси темпераментга мос келади?

- A) Холерик;
- B) Флегматик;
- C) Сангиник;
- D) Меланхолик;
- E) Фикрловчи.

29. Лотин сузи «Стандарт» англатади:

- A) Намуна, норма, ўлчаш;
- B) Асос, бошланғич;
- C) Йил, усул;
- D) Қобиғи, маъноси;
- E) Асос мазмун.

30. Педагогик жараённинг бирлиги бўлиб хисобланади:

- A) Педагогик масала;
- B) Педагогик вазият;
- C) Таълим олувчилар;
- D) Педагогик таълим;
- E) Мустақил иш.

31. Педагогик маниторинг - бу:

- A) Қандайдир обьектлар ва педагогик воқейлик ходисаларни узоқ давомли кузатиш;
- B) Педагогик масалаларни амалга ошириш жараёни;
- C) Педагогик жараён-нинг ишлаш тизими;
- D) Педагогик жараённи хulosалаш;
- E) Педагогик воқейлик ходисаларни қисқа давомли кузатиш.

## ГЛОССАРИЙ

1. **Педагогик маҳорат** – педагогни, олий таълим ўқитувчисини, ўқитувчининг юқори профессионал фаолият даражаси; 3.2.
2. **Касбий фаолият тури** – уни ўзгаришиш, унга ўзгаришлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи; .3.2.
3. **Компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи; 3.2.
4. **Мутахассислик** – муайян касб доирасида тор меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар мажмуи; 3.2.

- 5. Касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёnlар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар; 3.2.
- 6. Касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлабчиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи; 3.2.
- 7. Профиль** – таълим дастурининг касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналтирилганлиги; 3.2.
- 8. Ўқиб-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўнимкамлар ва эгалланган компетенциялар; 3.2.
- 9. Мустақил иш** – талабаларни репродуктив, продуктив фаолияти билимларини ўзлаштириш ва кўллаш мақсадида хар ҳил топшириқларни бажарилиши
- 10. Реферат** - бир ёки бир нечта манбалардаги маъно мавкураларни қисқа ёзилиши
- 11. ЭССЕ** - авторнинг индивидуал позицияси ёрдамида эркин баён қилиш.